



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 19.01.2022 г. № 01

между ГФС ГКСИ и ТТРУз и Олий Мажлис РУз(аппарат закон палаты) на общую сумму 1500000,00

Глава _____ 014
Казначейский лицевой счёт _____ 100010860262947011101014002

(в суммах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4292100			
Январь	1 500 000,00			1 500 000,00
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	1 500 000,00			1 500 000,00

Всего 1500000,00 сум

Один миллион пятьсот тысяч сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 450000,00 сум или 30,00%*** от общей суммы договора
подлежат предоплате в _____ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца.
(Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Заместитель руководителя заказчика



М.П.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Раджабов Б. Г.

Ф.И.О.

(подпись)

Саидов А. А.

Ф.И.О.

Принял работник казначейского
подразделения _____

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

Получил работник
заказчика _____

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

ШАРТНОМА № 01**Фелдъегерлик хизмати кўрсатиш ҳақида**2022 й. «19» апрель

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат фелдъегерлик хизмати тўғрисидаги Низом асосида иш кўрувчи кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталадиган Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат фелдъегерлик хизмати номидан хизмат бошлиғи О.К.Садиков ва кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталадиган Ўз Р Олий мажлиси
Қонунчилик палатаси иккинчи
томондан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартнома мавзуси

1.1. «Буюртмачи»нинг жўнатмаларини Ўзбекистон Республикаси вилоят марказларигача ва Тошкент шаҳри бўйича қабул қилиш ва етказиб бериш ҳамда «Бажарувчи»нинг тасдиқланган жадвали бўйича Москва шаҳри (Россия) орқали МДХ мамлакатлари вилоят марказларигача етказиб берилишини таъминлаш шартнома мавзуси ҳисобланади.

1.2. «Буюртмачи»нинг жўнатмаларни ҳар куни (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) «Буюртмачи» билан келишилган жадвал асосида «Буюртмачи» биносида қабул қилиш ва етказиб бериш учун «Бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га битта муҳим топшириқлар бўйича фелдалоқа катта офицери бириктирилади.

2. Етказиб бериш шартлари

2.1. «Бажарувчи» Ўзбекистон Республикасининг вилоят марказларигача жўнатмаларни «Буюртмачи» томонидан кўрсатилган манзил бўйича қўлдан қўлга етказиб беради. Агар жўнатмаларни олувчи вилоят марказидан қуйида жойлашган бўлса, жўнатмалар махсус алоқа тармоғи орқали берилади.

2.2. Тошкент шаҳрида «Буюртмачи»дан жўнатмаларни қабул қилиш ва маҳаллий ташкилотларга етказиб бериш учун автотранспорт «Буюртмачи» томонидан тақдим этилади.

2.3. Зарурат бўлганда «Буюртмачи» «Бажарувчи» билан келишув бўйича жўнатмаларни йўналиш доирасидан ташқари – фелдъегерлар орқали (қўлдан-қўлга топшириш усулида) юбориши мумкин. Бунда «Буюртмачи» барча қўшимча харажатларни тарифга мувофиқ тўлайди.

2.4. «Бажарувчи» жисмоний шахсларга йўналтирилган жўнатмаларни қабул қилмайди.

3. Шартнома суммаси ва уни тўлаш тартиби

- 3.1. Шартноманинг умумий суммаси 1500000 (Беш миллион Беш юз минг) ЎзС сўмни ташкил этади.
- 3.2. «Буюртмачи» «Бажарувчи»нинг ҳисоб-китоб рақамига умумий сумманинг 30 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Умумий сумманинг қолган қисми ҳақиқий кўрсатилган хизматлар учун тақдим этилган ҳисоб – фактура асосида йил давомида тўланади.
- 3.3. Кўрсатилган хизматлар учун ҳақ амалдаги тариф асосида тақдим этилган ҳисоб фактурага асосан жорий ойнинг 10-кунигача тўланади. Кўрсатиладиган хизматларга тасдиқланган тариф илова қилинади.

4. «Бажарувчи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

- 4.1. «Бажарувчи» жўнатмаларни қабул қилиб олинган пайтдан улар олувчига топширилган пайтгача жўнатмаларнинг сақланишини таъминлаш юзасидан барча зарур чораларни кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 4.2. «Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг жўнатмаларини, олувчилар жойида бўлган, манзилдан кўчиб кетмаган, олувчилар бозорлар, савдо комплекслар ёки турар жойларда (уйларда) жойлашмаган ҳолларда, Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон Республикаси вилоят марказларигача 72 соат мобайнида етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади, дам олиш ва байрам кунлари бундан мустасно.
- 4.3. Тарифлар ўзгарган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га янги тасдиқланган тарифларни ўз вақтида юбориш ва кўрсатилган хизматлар учун янги тарифларга биноан ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 4.4. «Бажарувчи» заруриятга кўра «Буюртмачи»дан «Бажарувчи» орқали юбориладиган, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ёки тегишли органлар томонидан расмийлаштирилган мазкур жўнатмани олиб чиқишга рухсатнома талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.
- 4.5. «Бажарувчи» етказиб бериладиган жўнатмаларни кўриқлаш тартибини, шунингдек юборилаётган жўнатмаларни турлари ва чекланган нормаларини ишлаб чиқиши ва белгилаши ҳамда ташишларни навбатма-навбатлигини белгилаш ҳуқуқига эгадир.

5. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

- 5.1. «Бажарувчи» орқали жўнатилаётган махфий жўнатмалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 5 майдаги 239-33 сонли қарори билан тасдиқланган махфий иш юритиш бўйича Йўриқнома талаблари асосида тайёрланиши лозим.
- 5.2. «Буюртмачи» махфий бўлмаган пакетдаги жўнатмаларни халқаро почта стандартларига мувофиқ расмийлаштириши шарт (конвертнинг чап юқори бурчагида: жўнатувчининг номи, унинг манзили, шаҳар, республика; конвертнинг ўнг қуйи қисмида: олувчининг номи, унинг манзили, шаҳар, давлат, телефон), манзил кўрсаткичидан олдин «Қаердан» ва «Қаерга» («Кимга») сўзларини ёзиши керак.
- 5.3. «Буюртмачи» манзилга оид маълумотларни ва пакетлардаги бошқа ёзувларни принтерда босмаҳона усулида ёки сиёҳ ёки шарикли ручка билан аниқ ва тушунарли қилиб (сиёҳ, паста қора, кўк ёки бинафша рангда бўлиши керак) ёзиши шарт. Олувчининг манзили қисқартирилмасдан ёзилиши зарур. Пакетли жўнатмалар МДХ Давлатларига 2 кг, Ўзбекистон Республикаси бўйича 5кг 11*15 см 15*25 см 25*35 см дан ошмаслиги лозим. Қоғозли юкли жўнатмаларни чекланган оғирлиги 10 кг. Бўлинмайдиган яхлит жўнатмалар 20 кг гача бўлиши керак. Қопли юкли жўнатмаларни чекланган оғирлиги 10 кг. Бўлинмайдиган яхлит жўнатмаларники 20-25кг гача бўлиши лозим.
- 5.4. Пакетнинг орқа томонига «Буюртмачи» конверт елимланган чизик бўйича барча қопқокларда ўзининг муҳри билан муҳрлаши шарт.

5.5. Юридик манзиллар, банк реквизитлари, телефон рақамлари ўзгарган тақдирда томонлар бир-бирини ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

5.6. «Буюртмачи» «Бажарувчи» томонидан бириктирилган офицерларга ишлаш учун зарур жиҳозлар ва коммунал хизматлар (электр билан ёритиш жиҳози, телефон алоқаси) мавжуд бўлган, махфий жўнатмалар билан ишлаш талабларига жавоб берадиган хизмат хонаси ажратилишини, ҳамда ишда зарур бўладиган материаллар (портфел, тарози, канцелярия анжомлари) билан таъминлайди. Шуниндек «Буюртмачи»нинг жўнатмаларни Тошкент шаҳри бўйича етказиб бериш ва бошқа муҳим топшириқларни бажариш учун автотранспорт ажратиб беради.

5.7. «Буюртмачи» «Бажарувчи» орқали юбориладиган жўнатмаларнинг оғирлигини ўзи тартиб кўриш ва реестрларда шахсан қайд этиш ҳуқуқига эгадир.

5.8. «Буюртмачи» «Бажарувчи» томонидан жўнатмалар топширилганлиги тўғрисида маълумотнома сўраш ҳуқуқига эгадир.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Жўнатмалар ўз вақтида етказиб берилмаган ёки етказилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун «Бажарувчи» «Буюртмачи»га ўз вақтида етказиб берилмаган жўнатмалар умумий суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бироқ ўз вақтида етказиб берилмаган жўнатмалар умумий суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.2. Юборилаётган жўнатмаларга «Бажарувчи»нинг айби билан зарар етказилган ёки йўқотилган тақдирда «Бажарувчи» қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

6.3. «Бажарувчи» томонидан кўрсатилган хизматларга ҳақ тўланмаганлиги учун «Буюртмачи» «Бажарувчи»га ўзи тўлашдан бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.4. Хизматларга ўз вақтида ҳақ тўламаганлиги учун «Буюртмачи» «Бажарувчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган тўловнинг 0,4 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтказиб юборилган тўловнинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

7. Тақиқлар

7.1. Қуйидагилар тақиқланади:

мазкур Шартноманинг 5.1, 5.2, 5.3, 5.4-бандларида кўрсатилган талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилган жўнатмаларни жўнатиш.

«Бажарувчи» орқали контрабанда, радиоактив, заҳарловчи, портлаш хавфи бўлган, тез алангаланадиган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланган бошқа моддалар ва буюмларни жўнатиш

8. Форс-мажор

«Бажарувчи» форс-мажор ҳолатларда жўнатмалар йўқолганлиги, ўғирланганлиги ёки шикастланганлиги учун жавоб бермайди, айнан:

8.1. Сув тошқини, ёнғин, zilзила бўлганда ва бошқа табиий офатларда «Буюртмачи»нинг топшириғини бажариш вақтида;

8.2. «Бажарувчи»нинг ходими ҳалок бўлганда ёки фавқулодда вазиятларда;

8.3. Мазкур Шартноманинг 7-бўлимида кўрсатилган моддалар ва буюмлар «Бажарувчи» оркали жўнатилганда ёки контрабанда ва тақиқланган тижорат жўнатмалари ваколатли органлар томонидан хибсга олинганда ёки мусодара қилинганда;

8.4. Ноқулай метеорология шароитларида ва ҳаво кemasининг техник носозлигида.

8.5. Форс-мажор ҳолатларда «Бажарувчи» белгиланган тартибда «Буюртмачи»ни ёзма равишда хабардор қилади.

9. Низоларни ҳал этиш

9.1. Мазкур Шартнома бажарилиши билан боғлиқ барча низолар мумкин қадар томонларнинг музокаралар олиб бориши ёхуд даво хати жўнатиш усули йўли билан ҳал этилиши керак.

9.2. Томонлар келишувга эришмаган тақдирда низоларни ҳал этиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ суд тартибида амалга оширилади.

10. Шартноманинг амал қилиш муддати

10.1. Мазкур Шартнома 2022 йил 01.01 дан 2022 йил 31.12 гача амал қилади.

10.2. Мазкур Шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонларнинг ҳар бири томонидан имзоланган бўлса, бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

10.3. Мазкур Шартнома икки нусхада тузилди, уларнинг ҳар иккаласи бир хил юридик кучга эга.

Томонларнинг юридик манзиллари, банк реквизитлари ва телефонлари

«БАЖАРУВЧИ»

ЎЗР АТ ва КРВ

Давлат фелдъегерлик хизмати
Тошкент ш. Шайхонтоур туман
Қоратош кўча, 5
Тел. 71 245-08-60, 71 245-08-61



Хизмат бошлиғи


О.К.Садиков

2022 й. «__»

М.Ў.



«БУЮРТМАЧИ»



2022 й. «__»

М.Ў.

Хизмат бошлиғи
20.01.2022 й. М.Ў.